

2025-yil — Atrof-muhitni asrash va yashil iqtisodiyot yili

KUN TARTIBIDA QAROR VA FARMONLAR IJROSI



Xalq deputatlari tuman Kengashining navbatdagi sessiyasida dastlab ikki dolzarb masala yuzasidan tuman hokimining o'rinbosari Sherzod Abdullayevning ma'ruzasi tinglandi. Bevosita tumanimizda bugungi kunda amalga oshirilgan ishlar va kelgusida bajarilishi lozim bo'lgan vazifalar birma-bir tilga olindi.

Xususan, Prezidentimizning "Surxondaryo viloyatini kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish hamda aholining turmush darajasini yaxshilash chora-tadbirlari to'g'risida"gi 2024-yil 13-dekabrda Qarori hamda joriy yil 30-yanvardagi "Aholini ijtimoiy himoya qilish tizimini moliyalashtirish tartib-tamoyillarini takomillashtirish to'g'risida"gi Farmoni ijrosini ta'minlash yuzasidan Boysun tumanida amalga oshirilgan ishlar va kelgusi vazifalar to'g'risida batafsil so'z yuritildi. Xususan yuqoridagi Qaror asosida tumanimizni kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish borasida olib borilishi lozim bo'lgan vazifalar ijrosi, jumladan turizmi jadal rivojlantirish bo'yicha rejalashtirilgan loyihalarni ishga

tushirish doirasida deputatlarning fikr-mulohazalari eshitildi.

Sessiyaning uchinchi masalasi "Yoshlar muammolarini hal qilish, bandligini ta'minlash bo'yicha mahallalardagi yoshlar bilan o'tkazilgan uchrashuvlar va muloqotlar yuzasidan tumanda avgust oyida amalga oshirilgan ishlar to'g'risida" tuman hokimining yoshlar siyosati, ijtimoiy rivojlantirish va ma'naviy-tarbiyaviy ishlar bo'yicha o'rinbosari Abdulfattoh Husanov ham ma'ruza qildi. Albatta, yoshlar bizning kelajagimiz. Shunday ekan, ularni har tomonlama qo'llab-quvvatlash, ularning sportga, adabiyotga, san'atga, kompyuter texnologiyasi va mehnat ko'nikmalarini hosil qilish bugungi dolzarb vazifalardan biridir. Ma'ruzachi va so'zga chiqqan Bekmurod Hayitov, Samad Bahovuddinov va boshqa deputatlar o'z taklif-mulohazalarida yuqoridagi kabi fikrlarni alohida ta'kidlab o'tdilar.

Sessiyada muhokamadagi masalalar yuzasidan qaror qabul qilindi.

Behzod SAFAROV,
tuman Kengashi deputati.

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча гўшалари каби туманимизда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигининг 34 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги ПҚ-222-сонли Қарори асосида истиқлолимизнинг 34 йиллигига бағишланган маданий-маърифий, бадиий тадбирлар, анжуманлар ўтказилмоқда.

Жорий йилги байрам тадбирлари "Ватан учун, миллат учун, халқ учун!" деган эзгу ғоя мужассамлигида ўтказилаётганлигининг ўзи катта маънони англатади.

Зеро, мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, энг аввало, Ватан тинчлиги, миллат равнақи ва кўп миллатли халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Демак, бугунги кун ҳар бир фуқаро, ҳар бир раҳбар, касб-кори, эгаллаб турган вазифасидан қатъий назар амалга ошираётган ишларини ҳудди мана шу ғоя, шиор асосида ташкил этиб, ислохотлар иштирокчисига айланиб бориши тақозо этилмоқда. Ҳар қачонгидек, халқимиз мустақиллигимизнинг навбатдаги санасига муҳтарам Президентимиз



олдимизга қўйган муҳим вазифаларни босқич-ма-босқич амалга ошириб, барча соҳаларда муҳим натижаларга эришган ҳолда этиб келди-дилар, деб бемалол айтишимиз мумкин. Зотан, байрамдан байрамгача ўтган бир йил да-

вомида биз ижтимоий-иқтисодий соҳада, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, таълим, соғлиқни сақлашни ислох қилишда қутилганидан ҳам юксакроқ натижаларга эришдик. Буни туманимизда ислохотлар доирасида амалга оширилаётган ишлар қўлами билан ҳам кўриш мумкин. Биргина мактаб ва мактабгача таълим тизимининг ўзида бир нечта йирик лойиҳалар амалга ошириляпти, янгидан мактаб бинолари қад ростлаб, эскилари капитал таъмирланяпти. Йўллар равонлашиб, маҳалла-гузарлар замонавий кўринишда қайта чирой очяпти.

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!



Бугун мустақиллик байрами муносиб нишонлаш мақсадида ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирларда иштирок этаётган кенг жамоатчилик билан бўлаётган суҳбатлар, мулоқотлар жараёнида одамларнинг ислохотлар натижасидан розилигини кўряпмиз. Мана, яқинда республикамиз марказидан таширф буюрган маданият-санъат, фан арбоблари, таниқли инсонлар иштирокида туманимизда йирик байрам тадбирлари ўтказилди.

Таширф буюрган меҳмонлар мамлакатнинг олис тоғли гўшаси Бойсуннинг бугунги чиройи, бу ерда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар билан танишиб, тўлқинланиб ўз фикр-мулоҳазаларини билдир-

дилар. Бойсун — кечаги Бойсун эмаслиги, бугунги Бойсун туман ҳокимлиги, кенг жамоатчилик, маҳаллий аҳоли ҳамкорлигида мутлақо янги қиёфага эга бўлгани, давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган ислохотлар бу ерга ҳам бўй чўзгани, Бойсун том маънода Ўзбекистоннинг Швейцариясига айланиб бораётганлигини эътироф этган ҳолда Бойсун элидан мамнун эканликларини чуқур эҳтиром билан таъкидлаганларининг ўзи биз учун катта шараф деб биламан.

Байрам шодиёналари ҳар бир маҳалла, ҳар бир ташкилот-корхоналар жамоалари орасида давом этаётган шу фараҳли кунларда қаерда бўлмайлик, одамлар Ватанимиз тинчлиги, юртимиз ободлиги, истиқлолимиз абадийлиги учун дуолар қилишяпти, тинчлигимизни асраб-авайлашга даъват этишяпти. Мана шундай фараҳбахш кунлар учун, тинч ва осойишта Ватани, халқимиз бирдамлигини барчамизга тақдим этган мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Сурайё ГАЗИЕВА,
Республика Маънавият-маърифат маркази туман бўлими раҳбари.

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган, ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни ижтимоий ҳимояга олиш, улар ҳам жамиятнинг фаол қатламига айланиши учун етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 майда қабул қилинган "Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-171-сон Қарори ушбу соҳада олиб борилаётган ислохотларни янги босқичга олиб чиқишда алоҳида аҳамиятга эга ҳужжат бўлди, дейиш мумкин.

Қарор асосида 2025 йилнинг 1 июнидан бошлаб ўзгалар парваришига муҳтож вояга етган шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган "Фаол ҳаётга қадам" дастури жорий этила бошланди. Дастур доирасида, асосан, беш турдаги янги ижтимоий хизматлар кўрсатилиши белгиланган бўлиб, улар: **уй шароитида ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш хизмати; уй шароитида қараб туриш хизмати; тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати; кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати ҳамда шахсий ёрдамчи хизмати** каби хизмат турларидан иборат. Эътиборли жиҳати шундаки, мажбур қарор асосида туманимиз ҳудудида ҳам кўрсатиб ўтилган беш турдаги ижтимоий хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш борасида дастлабки лойиҳалар амалга оширила бошланди. Жумладан, яқинда Бибиширин маҳалласи ҳудудида "Курилиш-сервис хизматлари" МЧЖ томонидан "Фаол ҳаётга қадам" дастури доирасида **"Имкон маскани" кун-**

"ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ" ДАСТУРИ АМАЛДА

ДУЗГИ ҚАТНОВ АСОСИДА ҚАРАБ ТУРИШ ХИЗМАТИ йўлга қўйилиб, ўз фаолиятини бошлади. Айни пайтда ушбу масканда 7 нафар ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга хизмат кўрсатилиб, улар қарорда белгилаб қўйилганидек, бир маҳал иссиқ

ти ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси Бартель ва Лаутон шкалалари бўйича 0 баллдан 62 баллгача бўлган 18 ёш ва ундан катта ёшдаги "Камбағал оилалар реестри" ёки "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимига киритилган шахсларга, ҳафтада беш

иш куни давомида 8 соатгача кўрсатилади. Туманда 3 ёшдан 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар учун ҳам кундузги парвариш хизматини йўлга қўйиш ишлари жадал амалга оширилмоқда. Бу соҳада "Мустақиллик" маҳалласи ҳудудида яқка тадбиркор Сарвинисо Ҳамроқулова томонидан кундузги парвариш хизмати йўлга қўйилиб, бу ерда 13 нафар ногиронлиги бор болаларга хизмат кўрсатиш ташкил этилган. Фаолият кўрсатаётган барча хизмат кўрсатиш масканларига радиуси 7 километрдан ортиқ масофадан қатнаётган ногиронларнинг келиб-кейтиши учун махсус

транспорт хизмати ҳам йўлга қўйилган. Бугунгача 50 нафарга яқин ўзгалар парваришига муҳтож бўлган фуқаролар жалб этилган хизмат кўрсатиш масканларини келгусида янада кўпайтириш ва қатнов сониини ҳам ошириш борасида айни пайтда "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази томонидан кенг қўламли ишлар давом этмоқда.

БЕХЗОД УЛУҒОВ,
"Инсон" ижтимоий хизматлар маркази директори.


ва икки маҳал енгил овқат билан таъминланган. Шунингдек, бу ерда қатновчилар учун тиббий, психологик хизматлардан ташқари бир қанча турдаги қўшимча хизматлар кўрсатиш белгиланган. Қунига саккиз соат хизмат кўрсатиш асосида белгиланган лойиҳага кўра қатновчилар кўрсатилажак хизматлар натижасида келгусида ўзлари ҳам фаол ҳаётга қадам қўйишлари учун имконият эшиги очилади.

Таъкидлаш жоизки, қараб туриш хизма-



Аввал маълум қилинганидек Ўзбекистон Республикаси "Хунарманд" уюшмаси томонидан жорий йилнинг 18-19 октябр кунларида Хива шаҳрида ўтказиладиган "Gilamlar Jilosi" халқаро гилам кўргазмаси учун янги логотип (рамз) яратиш бўйича ижодий танлов эълон қилинган эди. Қуни-кеча мажмура танлов аяқунланиб, ғолиблар аниқланди.

БОЙСУНЛИК ХУНАРМАНД ЯНА ҒОЛИБ



Ўзбекистон Республикаси "Хунарманд" уюшмасининг танлов якуни бўйича берган маълумотига кўра мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан иштирок этган хунармандлар, дизайнер-рассомлар тақдим этган лойиҳалар ичида туманимизда фаолият кўрсатаётган "Dre'ams Shaxrinas" оилавий хунармандчилик корхонасининг раҳбари, бир неча халқаро фестиваллар сертификатини қўлга киритган хунарманд Нилуфар Жўраеванинг ғояси асосида тайёрланган лойиҳа ғолиб деб топилди, "Gilamlar jilosi" халқаро гилам кўргаз-

тинсимон жилоси ва порлаши "Jilo" (чарақлаш, нур) рамзига айланган.

Танлов ғолиби республика "Хунарманд" уюшмасининг махсус пул мукофоти билан тақдирланади.

Жорий йилдан бошлаб ўтказилиши белгиланган бўлажак халқаро анжуман логотипида доимий равишда бойсунлик хунарманд томонидан яратилган тасвирлар жилоланиб туриши — бу Бойсун хунармандчилик мактабининг халқаро доирада эътироф этилган яна бир ютуғидир.

Ғолиблик муборақ бўлсин!
ТУМАН ҲОКИМЛИГИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ.

КУХНА ЧИНОР БАҒРИДАГИ КУТУБХОНА

Аждодларимиз қадимдан китобхон, китобсевар халқ сифатида танилган.

Халқимизнинг мана шу ўзига хос ҳислати боис ҳам бу заминдан асрлар давомида буюк алломалар, олиму фузалолар, давлат арбоблари кўллаб этишиб чиққан. Буюк саркарда, соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўз салтанатини нафақат

диний-илоҳий, балки дунёвий илмлар асосида бошқарганлиги тарихий факт ва бунга бутун умр давомида ўқиган китобларидан чиқарган хулосалари асос бўлганлигини кўп таъкидлаган. У киши Самарқандда замонасининг энг катта кутубхоналаридан бирини ташкил этганлар ва дунёнинг қайси бир мамлакатини



забт этмасинлар доимо энг нодир китоблар билан қайтганлар. Яна, тарихда шундай бир ҳақиқат борки, унга кўра жуذا кўп мамлакатлар, давлатлар уруш ёки низолар боис эмас, балки маънавиятсизлик, китобсизлик туфайли таназзулга учраган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Буюк Британия бош вазира Черчилл билан боғлиқ бир воқеа хотирамга келган онлар ҳамми-

ша ҳаяжонланиб, қалқиб кетаман. Мамлакат пойтахти Лондон фашистлар томонидан қучли бомбардимон қилинаётган бир пайтда ер ости бункеридаги қароргоҳда ишлаётган Черчиллга мамлакат бюджетини тасдиқлаш учун олиб киришади. Бош вазир ҳужжат билан танишган ногоҳон масъуллардан бигирга савол билан мурожаат қилади:

(Давоми 3-бетда)

“Бойсун” газетасининг 2025 йил 30 июлдаги 14-сонида чоп этилган “Туризм маданияти. Биз бунга нечоғли тайёرمىз” номли тахлилий-танқидий мақолани ўзим ҳам шу соҳада фаолият юритаётган бир тадбиркор сифатида алоҳида эътибор билан ўқиб чиқдим.

Аввало, мақола бугунги кундаги энг долзарб мавзулардан бирини камраб олгани ва унда туманимиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини кўтариш, аҳоли бандлигини таъминлашда асосий йўналишлардан бири бўлиши қутилаётган туризм, унинг ўзига хос муаммолари, ечими, энг муҳими, аҳоли орасида туризм маданиятини шакллантириш биз учун нечоғли муҳим ва долзарб масала эканлиги ишончи тахлиллар, мисоллар орқали кўрсатилгани билан ҳам муҳимдир. Шу маънода у айни пайтида чоп этилган ва

“ТУРИЗМ МАДАНИЯТИ...” МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ...

унда кўтарилган муаммо туризм ривожини учун энг зарур бўлган омил сифатида тегишли идоралар, масъуллар ва жамоатчилик томонидан эътироф этилиши лозим деб ўйлайман. Умуман олганда, мазкур мақолани туризм саноати ривожини учун муҳим бўлган ва бугунгача эътибордан соқит қилинган туризм маданияти мавзусида ёритилган ва таҳлил қилинган илк масала деб ҳам қубул қилиш мумкин.

Туризм маданияти нима ва у биз учун қандай аҳамиятга эга эканлигини, эндиликда мен каби тадбиркорлар англаб етяпмиз. Туризм соҳасини қанчалик ривожлантирмайлик, қанча имконият ва шарт-шароитларни яхшиламайлик, аввало, фуқароларда туризм маданияти, кўникмалари шаклланмас экан, бу соҳада кўнгилдагидек

МУНОСАБАТ

натижага эришиб бўлмайди. Мақолада жуда тўғри бир фикр келтирилган, яъни туризм хизмати мавжуд бўлган жойда, албатта, инсон билан табиат муносабати пайдо бўлади. Бу инсоннинг табиатга у ёки бу даражада таъсир кўрсатувчи муносабатдир. Афсуски, айнан кўпчиликда (бизнинг кўпчилигимизда) туризм маданияти шаклланимагани боис ҳақиқатан ҳам ушбу муносабат охир-оқибат инсоннинг табиатга озор етказиш ҳолати билан якун топади. Масалан, шахсан ўзим ёзги туризм мавсумида кўпайиши одат тусига кираётган дала ва ўрмон ёнгинларини фақат иқлим ўзгариши – глобал исийш натижаси деб ҳисобламайман. Уларнинг деярли 90 фоизи инсон омили боис содир бўлади. Айтийлик, қуёш нури таъсирида қуриган хас-хашаклар ўзича

ёниб кетавермайди, ваҳоланки, бунга сабаб табиат кўйида дам олувчилар ташлаб кетган шиша ва пластик идишлар таъсири деб биламан. Масалан, сиз ўрмон ёки очик дала майдонларига ташлаб кетган шиша идишлар унга теккан қуёш нурини линза мисоли бир нуқтага жамлаб, қуриган хас-хашакка ўтказади. Деярли барчамиз болалик чоғларимиз оддий шиша бўлакларини қуёш нурига тутиб, бу тажрибаларни сынаб кўрганмиз. Худди мана шу эффект ўрмонзор ва дала-даштва ёнгин пайдо бўлишига асосий сабаблардан бири бўлади. Чала ўчирилган олов чўғлари-чи, у ҳам туризм маданиятидан беҳабар бўлган дам олувчиларнинг хатоси эмасми?..

Мақолада айнан бизга қарашли бўлган Хўжақўчқор ота зиёратгоҳи ва унинг пойидаги туризм марказида

чиқиндилар учун алоҳида жойлар ташкил этилгани, алоҳида овқат тайёрлаш зали, табиат муҳофазаси билан боғлиқ бўлган кўрғазмали воситалар мавжудлиги эътироф этилиб, қаламга олинган. Аввало, ушбу эътироф учун мақола муаллифига миннатдорчилик билдирмоқчиман. Тўғри, туризм марказимизда атроф-муҳитни асраш ва экологик маданиятга амал қилишни таъминлашга оид барча шароитларни қиялпмиз. Бироқ бу каби талабларга риоя қилиш даражаси ҳам, истаимизми-йўқми, барибир ташриф буюрувчиларнинг маданият даражаси билан боғлиқ экан.

Мақолада, мисол тариқасида киритилган Бойсунга ташриф буюрган япониялик олимнинг атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ ўта таъсирли ибрати ҳақидаги иқтибосини ҳам ҳаяжон билан ўқидим. Муаллиф жуда тўғри таъкидлаган, халқи мана шунақа маданиятга эришганлиги учун ҳам Япония дунёдаги энг тоза мамлакатлар ўнлигига кирган.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчиманки, туризм маданияти, инсон билан табиат муносабатлари, атроф-муҳит муҳофазаси мавзусидаги чиқишлар шу мақола билан чекланмасин. Турагентликлар, туризм саноати ривожини учун масъул ташкилотлар, кенг жамоатчилик бу мавзуда узлуксиз тадбирлар ўтказиб, босма матбуот, ижтимоий тармоқларда тарғиб қилиб боришлари лозим. Зотан, инсонларнинг ота табиатга муносабатларининг ижобий томонга ўзгариши – бу нафақат туризмни ривожлантириш, балки пировард натижада она сайёрамизни глобал иқлим ўзгариши олдидаги ҳалокатидан омон қолишига ҳам ёрдам беради.

Хуршид ТўРАҚУЛОВ,
“Ферузбек асл чорваси” хусусий корхонаси раҳбари.

Alqissa, faoliyatimiz davomida mashina oldi-berdisi bilan shug'ullanishga to'g'ri keldi. Bundan 24 yil avval ne orzular bilan yangi hayotga birgalikda qadam qo'yg'an Xosiyatxon va Ochiljonlar bugunga kelib oddiy “Damas” avtomashinasi ustidan talashib o'tirsalar-a? To'g'ri, yillar davomida ularning hayotlari shirin-shakar kechib, orada to'rt nafar farzandlari paydo bo'lgani oilaviy totuvlikdan darakdir.

“DAMAS” KIMGA TEGISHLI?

Аyаgаn kо`zga chо`p tushar, degаnlaridek, farzandlarini birin-ketin ulg`aytirib, bu orada eru xotin о`z mаblаg`larini to`plab, birgalikda “Damas” avtomashinasini xarid qilgan bir paytda oraga оla mushuk oraladi. Gaplari gaplariga to`g`ri kelmay qoldi va аlohida yashashga majbur bo`ldilar. Ming qilsa ham Ochiljon Ne`matov (ismi-sharifi о`zgartirilgan) о`sha paytda turmush о`rtog`ini еrkаlab mashinani uning nomiga rasmiylashtirganidan pushaymon qilardi. Va nihoyat, u “Damas” avtomashinasini teng yarmi bahosida mol-mulkni ajratib berish to`g`risida fuqarolik sudiga da`vo arizasi bilan murojaat qildi. Bevositа sudning aralashuvi bilan yengil avtomashinaning bugungi holati 48 million 198 ming 964 so`m baholandi. Nizoli “Damas” rusumli avtomashinani Xosiyatxon Kо`charovaga natura shaklida qoldirilib, uning ikkidан bir qismi 24 million 99 ming 482 so`mni da`vogar Ochiljon Ne`matovga to`lab berish haqida sudning qarori e`lon qilindi.

Lochin USAROV,
fuqarolik ishlari bo'yicha Boysun tuman sudi raisi.

Маҳалламиз туман марказидан энг оғли аҳоли манзилларидан бири ҳисобланади.

Шу боис маҳалла аҳолиси ҳар доим ҳам олис йўл босиб, малакали тиббий ёрдам олиш имкониятига эга бўлавермайди. Яқинда эса бизнинг шарт-шароитларимиз эътиборга олиниб, вилоят прокуратураси ҳамда вилоят тиббиёт бoshқармаси ҳамкорлигида маҳалламиз аҳолиси учун бепул тиббий кўрик ташкил этилди.

Шу куни тажрибали тиббиёт ходимлари томонидан қарийб 300 нафар аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг 150 нафарида турли хил касалликлар аниқланиб, тегишли

Барча соҳаларда бўлганидек, фуқароларнинг ерга бўлган муносабатлари ҳам қонун доирасида белгилаб берилган.

Шу боис мамлакатимизда ҳоҳ жисмоний, ҳоҳ юридик шахс бўлмасин ерга бўлган муносабатда қонунлар ва амалдаги тартибларни четлаб ўтишга ҳаққи йўқ. Бироқ шундай бўлишига қарамай ҳамон баъзи бир фуқаролар томонидан ноқонуний тарзда ерларни ўзлаштириб олиш, ноқонуний ер майдонларига рухсатсиз ва тегишли ҳужжатларсиз бино-иншоотлар қуриш каби ҳолатлар рўй бериб турибди. Қаҳрамонимиз Абдимурод (исми ўзгартрилди) Ибрагимов ҳам ана шу тоифадаги кишилардан бири бўлиб чиқди.

Қонун тили билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 31-моддасида юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олингандан кейин вужудга келади деб белгиланган. Аммо Абдимурод Ибрагимов қонун қўйган мана шу оддий талабни менсимади, ҳеч бўлмаганда бир ишни бошлашдан аввал жўялироқ маслаҳат олмади. Оқибатда боши берк кўчага кириб, бошлаган иши кўпгина можоралардан кейин суд муҳокамасигача етиб келди.

Асосий даъвогар – Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бoshқармаси Бойсун туман бўлимининг судга тақдим қилган даъво аризасига кўра фуқаро А.Ибрагимов якка тартибдаги тадбиркор сифатида Бойсун туман ҳудудидан

ХўЖАЙДОДЛИКЛАР УЧУН ЁЗПУЛ ТИББИЙ КўРИК

маслаҳатлар берилди. Уч нафар беморга эса туман марказий шифохонасида даволаниш учун йўланма берилди. Шифокорлар гуруҳи, шунингдек, бир нечта ётиб қолган беморлар, ногиронларнинг уйларида ҳам бўлиб, уларнинг соматлигини тўлиқ назоратдан ўтказиб, тегишли тиббий маслаҳат беришди.

Кейинги пайтда олис ҳудудларда ҳам аҳолига мана шундай сифатли тиббий хизмат кўрсатиш чора-тадбирларининг

кўрилаётгани, бу - энг аввало, тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самарасидир. Албатта, ўз навбатида халқимиз ҳам бундан миннатдор бўлишяпти.

Нилуфар САЛОМОВА,
Хўжаидод маҳалла фуқаролар йиғининг хотин-қизлар фаоли.

ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ АҲАМИЯТИ VA UNING JAMIYATDAGI ROLI

ko`rsatishga majbur bo`lgan yigirma birinchi asr odami, ta`kidlanganidek, doimiy ruhiy muolaja – psixologik xizmatlarga ehtiyoj sezishga majbur. Shuning uchun ham har bir inson psixologik xizmat turlaridan voqif bo`lib borsalar foydadan xoli bo`lmaydi. Shundan kelib chiqib eslatib o`tish joizki, bugungi kunda 4 turdagi asosiy psixologik xizmat mavjud bo`lib, ular quyidagilardan iborat:

-diagnostik xizmat. Mazkur xizmat turi orqali shaxsning psixologik holatini aniqlash uchun testlar, suhbatlar, kuzatuvlar amalga oshiriladi;

-maslahat berish (konsultatsiya) xizmati – asosan insonning muammolari yuzasidan maslahatlar berishni nazarda tutadi;

-insondagi mavjud muammolarni hal qilishga qaratilgan mashg`ulotlar va terapiyalar esa korreksion va terapevtik xizmatlar turi hisoblanadi. Va nihoyat, profilaktik xizmat – psixologik muammolarning oldini

o`lishga qaratilgan targ`ibot, mashg`ulotlar va seminarlardan iborat xizmat turi hisoblanadi.

Profilaktik xizmatning zarurligi shundaki, u avvalo shaxsning muammo borligini sezdimgizni, albatta, o`z hududingizdagi “Inson” ijtimoiy xizmatlar markaziga tashrif buyurib, markazda faoliyat ko`rsatayotgan psixolog xizmatiga murojaat qilishni unutmang.

Har bir inson ruhiy salomatligiga e`tibor qaratib yurishi lozim. Chunki bu sog`lom hayot va muvaffaqiyatli kelajak uchun qo`yilgan qadamdir.

Nilufar YUSUPOVA,
“Inson” ijtimoiy xizmatlar markazining mahallada kompleks xizmat ko`rsatish bosh mutaxassis psixologi.

XAVFSIZ EKSPORT-IMPORT MAHSULOTLARI KAFOLATI UCHUN

O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 18-maydagi “Ishlab chiqarish, eksport va tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish, savdo va sanoat siyosati samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to`g`risida”gi PF-67-son Farmoni ijrosi bo`yicha tumanimizda ham bir qator ishlar amalga oshirilmoqda.

Ma`lumki, O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “O`zbekiston Respublikasida muvofiqligi tasdiqlanishi lozim bo`lgan muvofiqlikni baholash ob`ektlari ro`yxatlarini tasdiqlash to`g`risida”gi 43-sonli (2021-yil, 30.01) qarorning 3-ilovasiga binoan Sanitariya epidemiologik xulosa majburiy olinishi lozim bo`lgan mahsulotlar ro`yxati tasdiqlangan edi. Ushbu ro`yxatda tashqi iqtisodiy tovarlari nomlanishi kodi bo`yicha 57 guruhda 2605 nomdagi mahsulotlarga Sanitariya-epidemiologik xulosa rasmiylashtirib berilardi. Endilikda ushbu ro`yxat yuqorida eslatib o`tilgan Prezident Farmoniga ko`ra qayta ko`rib chiqilib, 5 guruhdagi 1589 taga (61 foiz) qisqartirildi, guruhdagi mahsulotlar esa 1016 nomda belgilangan.

Shuningdek, oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish vositalariga va xalq iste`moli mollariga Sanitariya-epidemiologik xulosani majburiy tartibda olish tizimi ham bekor qilindi. Retsepturalar, texnologik yo`riqnomalar va texnik shartlarni kelishishni esa 2025-yil yakunigacha to`xtatib turish belgilangan.

Laboratoriya majmualarida meva-sabzavotlarning tarkibidagi pestitsid, aflotoksin, kaliysorbit, fungitsid, og`ir metall tuzlari, toksik elementlar, GMO va boshqa moddalarni aniqlash tizimi yo`lga qo`yildi. Mamlakatimizdan eksport qilinayotgan mahsulotlar uchun Salomatlik

sertifikati joriy etish yuzasidan xorijiy davlatlar (Rossiya, Turkiya va Yevropa davlatlari) tajribalari o`rganildi. Bugungi kunga kelib Kodek Alimentariusda tavsiya etilgan standartlar bo`yicha oziq-ovqat va qishloq xo`jaligi mahsulotlari uchun 91 ta xavfsizlik ko`rsatkichlari belgilangan bo`lib, ulardan 48 ta (89 foizi) xavfsizlik ko`rsatkichlarni laboratoriya tahlilidan o`tkazish imkoniyati yaratildi.

O`zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-67-son Farmonini qabul qilishdan asosiy maqsad ishlab chiqarish, milliy mahsulotlar eksporti, yangi ish o`rinlarini yaratish bo`yicha 2025-yil uchun belgilangan maqsadli ko`rsatkichlarga erishish hisoblanadi. Farmonga ko`ra oziq-ovqat standartlari xavfsizligi nazorati bo`yicha vakolatli organ vazifalari Sanitariya epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo`mitasi tomonidan amalga oshiriladi. Bunda 2025-yil 1-avgustdan boshlab oziq-ovqat mahsulotlari uchun texnik reglamentlar va standartlar majburiyligi bekor qilinib, laboratoriya tekshiruvlari sanitariya qoida va me`yorlari asosida olib beriladi. Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo`mitasi tomonidan ishlab chiqilgan sanitariya qoidalari, normalari va gigiena normativlari daxldor vazirlik va idoralar bilan kelishilgandan so`ng to`g`ridan-to`g`ri amal qila boshlaydi.

Shuningdek, 10 dan ortiq ayrim tovarlar sanitariya-epidemiologiya, davlat veterinariya xizmati, o`simliklar karantini, texnik tartibga solish nazoratidagi ro`yxatlardan chiqarib tashlanmoqda.

Xoliq RO`ZIYEV,
Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi Surxondaryo viloyat boshqarmasi Boysun tuman bo`limi sanitariya-gigienasi bo`limi mudiri.

НОҚОНУНИЙ ИНШООТ МУЛК БЎЛА ОЛМАДИ



ўтувчи М-39 автомобиль йўлининг ҳимоя майдонига қарашли ер майдонидан 0,0024 га. ер майдонини ҳеч бир ҳужжатсиз ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, у ерда бостирма шакилдаги бино-иншоот қуриб олади. Ишга учинчи шахс сифатида жалб қилинган “Сурхондарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат муассаси, Сурхондарё вилояти автомобил йўллари бош бoshқармаси ҳамда Бойсун туман йўллардан фойдаланиш корхонаси мутахассислари берган хулосага кўра тадбиркор А.Ибрагимов ҳақиқатан ҳам М-39 автомобиль йўлининг ҳимоя майдони ҳудудида ҳеч қандай ҳужжатларсиз бостирма қуриб олгани аниқланди. Шунга кўра дастлаб А.Ибрагимовга нисбатан 2024 йилнинг 8 августида маъмурий жазо қўллаш ҳақида қарор қабул қилиниб, 8500000 сўм микдорида жарима жазоси қўлланилади. Даъвогар томонидан жавобгарга 24.07.2024 йилдаги ёзма кўрсатма билан мурожаат қилиниб, 15 кун муддатда ноқонуний қурилган иншоотни бузиб, ер эгасига қайтариш сўралган бўлса-да, ноқонуний бостирмани бузиш ва ерни эгасига

қайтариш чора-тадбирлари қўрилмаган. Натижада ҳар икки томон ўртасида пайдо бўлган низо 2025 йилнинг 1 май кунида Шеробод туманлараро иқтисодий судида қўрилиб, қонуний қарор қабул қилинди.

Бўлиб ўтган суд мажлисида даъвогар томон тақдим қилган ҳужжатлар асосида ҳақиқатан ҳам фуқаро А.Ибрагимов М-39 автомобиль йўлининг ҳимоя майдонида қурган бостирма Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 23- ва 31-моддалари талаб қилган ҳужжатларсиз қурилгани аниқланиб, даъво қаноатлантирилди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 212-моддасига кўра қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш максадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек, иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга қўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмаслиги эътиборга оlinиб, А.Ибрагимов қурган ноқонуний иншоот

ушбу модда талабига биноан унинг ўзи томонидан ёки ҳисобидан бузиб ташланиши ҳусусида суд қарори қабул қилинди.

Қолаверса, амалдаги тартибларга кўра жавобгар ноқонуний эгаллаб олган ер майдонини тасарруф қилишдан аввалги ҳолатида ер эгасига қайтариб, эгаллаб олинган ер майдонидан мажбурий тартибда чиқарилади. Шунингдек, давлат бюджетига ундириладиган 7,5 млн. сўм давлат божи ва бошқа харажатлар ҳам жавобгардан ундириладиган бўлди.

Ҳа, қонунни айланиб, ўзбошимчалик билан қилинган ҳар қандай ноқонуний ҳаракат охир-оқибат мана шундай оғриқли ҳолатда якун топиши табиий. Агар Абдимурод Ибрагимов ўз қилмишининг оқибати ҳақида аввалроқ ўйлаб, тўғри хулоса чиқарганда, бошлаган ишини қонунларимиз талабига мослаштирганида бу каби ташвишлардан ҳам узок бўлармиди. Афсус...

Ф.ХОЛМУРОДОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори.

Ф.ИСМОИЛОВ,
Бойсун туман прокурори катта ёрдамчиси.

ОЗОДЛИКДАН MAHRUM QILINGAN SHAXSLARGA NAFAQA TAYINLASH TARTIBI

O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 16-iyuldagi 444-sonli qarori bilan “Jazoni ijro etish muassasalaridan ozod qilingan shaxslarga bir martalik nafaqa tayinlash va to`lash tartibi to`g`risida”gi Nizom tasdiqlandi.

Nizom jazoni ijro etish muassasalaridan ozod etilgan shaxslarga bir martalik nafaqa tayinlash va to`lash tartibini belgilaydi. Unga ko`ra nafaqa tayinlash uchun murojaat qilish, murojaatlarni ko`rib chiqish va nafaqalarni tayinlash “E-probatsiya” axborot tizimi orqali amalga oshiriladi. Arizva beruvchi jazoni ijro etish muassasasidan ozod qilingan kundan boshlab bir oy ichida tuman (shahar) probatsiya bo`limlari (vakolatli organ)ga shaxsan murojaat qiladi.

Vakolatli organ bir ish kunida ariza beruvchini nafaqa tayinlangani va nafaqani olish uchun murojaat qilishi lozim bo`lgan tijorat banki to`g`risida xabardor qiladi. Nafaqa oluvchi shaxsni tasdiqlovchi hujjatlar yoki jazoni o`tab bo`lganlik yoxud jazodan ozod qilinganlik haqidagi ma`lumotnoma asosida bir oy muddatda tijorat bankining istalgan filialiga murojaat qilishi mumkin.

N.SHOIMOV,
Boysun tuman adliya bo`limi yuridik xizmat ko`rsatish markazi boshlig`i.

(Боши 1 -бетда)

—Нега маданиятга, тил-адабиёт-га, санъатга бир тийин ҳам ажратилмаган?

—Уруш шароитида адабиёт, санъатнинг нима кераги бор жаноб бош ва-зир? — дейди хайратда қолган худжим.

—Унда биз нима учун урушяпмиз?

— деб жавоб берган экан Черчилл.


Аслида мазкур мақолада сал бошқачароқ мавзу тилга олиниши на-зарда тутилганди. Бироқ олисроқ мозийдан олинган кириш қисмида-ги фикрлар ва иқтибослар айна мав-зу учун бегона эмас, аксинча биз-нинг халқимиз, миллатимиз ҳам қадимдан китобхон халқ бўлганли-гига бир ишора бўлганлиги боис шундай йўл тутишни маъқул билдим.

Энди асосий масала ҳақида.

Сўлим қишлоқ Сайробдаги бобо-чинорларни кўрмаган, улар ҳақида эшитмаган одам бўлмаса керак назарим-да. Биласизми, мен бу чинорни, Сайроб киш-логини биринчи бор зиёрат қилганмга кўп йиллар, ҳатто жуда кўп йиллар бўлган. Бу, тахминан болалик пайтларим, китобга меҳр қўйган ва шу меҳр ортидан “кутубхоначи бўламан” дея орзу қилиб юрган пайтларим-га тўғри келади. Кутубхоначи бўлсам, кўп китобларим бўлади, тинимсиз китоб ўқиш имкониятим бўлади, деган орзулар қилган-ман-да, ўша кезлар. Назаримда, кутубхо-начи дунёнинг барча энг яхши китобларига эгалик қилса керак, деган болаларча сод-да тасаввур бўлган шекилли...

Хуллас, дунёнинг яхши китобларига эга бўлган кутубхоначи бўлиш иштиёқида юр-ган кунларимнинг бирида Сайроб чинор-ларини томоша қила туриб, у ҳақидаги маъ-лумотлар тахтчасини ўқирканман, беих-тиёр чинор ковагидаги олис ўтмишда, аниқ-роғи 1932-1934 йилларда қишлоқ кутубхо-наси жойлашганлиги тўғрисидаги маълумот-ни ўқиб, ўзимни йўқотаёздим. Дарров кўз олдимга ўша кутубхона, унга кириб-чиқаё-тган китобхонлар, кутубхонага кириш жойи-да курсичада ўтирган кутубхоначи опа (чи-нор ковагида бир вақтнинг ўзида китоблар ва кутубхоначи учун жой етишмаслиги мум-кин эди-да. Д.Й) келиб, узоқ мозий – та-рихга саёҳат қилгандек бўлдим гўё.

Кейин, орадан узоқ йиллар ўтиб мен Сай-робда кўрган-билганларим, айниқса, чинор ковагидаги кутубхона ҳақида шундай бир хулосага келганман. Очиғи, ўша кутубхо-на, кейинчалик бизнинг халқимиз азалдан китобсевар халқ бўлганлигини асословчи



факт сифатида тасаввур пайдо қилган менда. Мабоодо шу фикримга қўшилма-ганларни бундан қарийб юз йил аввалги замонга қайтишларини сўраган бўлардим. Тасаввур қияласизми, ўтган асрнинг ўтти-зинчи йиллари. Очарчилик, нотинч замон. Янги тузум ва жамиятга ҳали халқимиз қўниқмаган, кўника олмаётган пайтлар...

Шундай алғов-далғов бир пайтда киш-лоқда кутубхона ташкил этиш кимнинг ҳаёлига келган экан? Кимнинг кўнглига сифарди бу иш?

Бу саволларга жавобни мен яна мозий-дан, халқимизнинг минг йиллар давомида китобни ўзига дўст билган, маънавият, ма-даният, маърифат, илм олиш, китоб ўқишни одат қилган халқ сифатида дунёга танил-ган узоқ тарихдан топдим. Сайроб чинор-лари бағридаги ўша мўъжаз кутубхона — бу бизнинг ажждоларимиз ҳақиқатан ҳам китобхон эл бўлгани, улар илм олишни, китоб ўқишни ҳамма нарсадан устун қўйиш-ганлигининг жонли мисоли эди. Қаранг, ўша замонларда жамият ўзгарди, тузум ўзгарди, ҳаётимизга бегона мафкура ора-лади аммо мана шундай пайтда ҳам ки-тобхон халқ эканлигимизни унутмадик. Биз шундай элмиз, халқмиз, кўриб қўйинглар, дегандек шундоқ йўл устида, қўхна чинор бағрида кутубхона очиб қўйдик.

Дарвоқе, мен яна кўп бор Сайробни зиёрат қилдим. Ташрифларимдан бирида шу ерлик Зарбиби опа билан танишдим. Опа ҳам китобсевар чиқиб қолдилар. Ҳар гал учрашганимда у киши билан китоб-хонлик, маънавият-маърифат ҳақида бўлди суҳбатимиз. У киши ўзлари тиккан

кашта, сўзана ва бошқа миллий либослар билан ўша чинор ковагини безатиб, ўзига хос кичик музейга айлантирибдилар. Бу ерга ташриф буюрган сайёҳ-меҳмонлар ўн асрлик тарихдан гувоҳлик берувчи азим Сайроб чинорларининг қуюқ соясида са-лқинлаб дам олиш баробарида чинор ко-вагидаги ўзига хос музейга кириб, хунар-мандчилик намуналари ҳақида қизиқарли маълумотларга ҳам эга бўлади. Демак, шу маънода Сайроб чинорларини (“чинорла-ри” деганим боиси, бу ерда бир нечта чи-норлар мавжуд, уларнинг иккитасининг ёши 10 асрга тенглашган. Д.Й) нафақат узоқ умр кўрган дарахт сифатида, балки ўз умри давомида бағрида халқимизнинг бой маданиятини сақлаб келган, минг йил-лардан бўён авлоддан-авлодга етказиб ке-лаётган ноёб осори-атиқа сифатида ҳам авайлашимиз керак бўлади.

Яна бир гап, қачон Сайроб сафарига бўлсам бобочинорлар билан беихтиёр ўзимча гурунглашаман. Зарбиби опа каби фидоийлар унинг бағрида музей қилгани каби, шу ердаги иккинчи чинор ковагида рамзий равишда бўлса-да, кутубхона таш-кил этилса айна мудоаа бўлмасмиди, де-ган ҳаёлга бораман. Бу — Сайробда ту-ризм маданиятини янада кўтарган, энг муҳими ажждоларимиздан ўтиб, бугунги авлодлар ҳам китобсевар халқ деган номни сақлаб қолганлигимизнинг ёрқин мисоли бўлиши мумкин.

Дилбар ЙЎЛДОШЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси
аъзоси.

(*Ҳаётини, оғибқли хотира*)

Доимо одми кийиниб юрадиган, ўта содда, ҷумолига ҳам озор бер-майдиган бу кишини қишлоқдаги барча Қулмат почтачи дер эди.

Ҳа, ҳафтанинг уч кунда у киши ўзи-нинг қора эшагига ола хуржунни со-лганича Пасурхидаги почтахонадан хуржунининг икки кўзини тўлдириб, га-зета-журнал ва турли маркалар ёпиш-тирилган даста-даста хатларни ташир эди. Қулмат почтачининг саводи ҳами-нкадар бўлса-да, олиб келган газета ва журналларини тепасидаги рўйхат бўйича ажратиб, шу кечаси қора қалам билан исми-шарифини ёзиб тахлар эди.

Ўша йиллари ҳафтанинг уч кун

эски мактабимиз ҳовлиси маърифат нури билан чаро-ғон бўларди. Чун-ки ўша кунлар Қулмат почтачи деярли барча ўқувчиларга дас-та-даста газета ва журнал, кимларга эса яқинлари то-монидан ёзилган хатларни тарқа-тарди. Мен шуни эслаганимда ки-тоб билан ошно тутинган, газета ва журналлар билан ҳамнафас бўлган беғубор болалигим ёдимга тушади. Ай-никса, газета ва журналлар қатидан таралаётган қуриб улгурмаган бўёқ хиди муаттар гул ҳиди каби димоғим-га ёқарди...

Қулмат почтачи бу касбда тахми-нан саккиз-ўн йил ишлаган бўлса-да, менинг назаримда у кишининг ҳаёти-даги энг эсда қоладиган, энг савобга бой йиллари шу йиллар бўлса керак, деб ўйлайман. Чунки у киши қишлоқ-даги ўқитувчилардан кейин қишлоқ аҳлига маърифат улашадиган, ўз вақ-тида уларни дунё воқеаларидан хабар-дор қилиб турадиган фидойи инсон эди.

Ўша йиллари мен ҳафтада уч сони босмадан чиқадиған сеvimли “Ғала-ба” газетасини интизорлик билан ку-тардим. Туманимиздаги турли хил ян-гиликлар, янги-янги воқеа-ҳодисалар-дан баҳраманд бўлардим. Қишлоқ ҳаётидан олинган қисқа-қисқа хабар-ларим, шеърларим ҳафтанинг у ёки бу сониди шу газетда босиларди.

Бугунки, бугунги ўйласам юрагим ҳаққириб кетади. Қулмат почтачи ҳам йўқ, ўша менга қувонч ва шодлиқ улаш-ган газета ва журналлар ҳам йўқ. Ўша

йилларга қараганда икки-уч баравар қўпайган қишлоқ хонадонларига ойлаб бирорта газета ва журнал кириб бор-майди. Битта-яримта йигит-қизларга ту-ман, вилоят ва республикамиздаги ян-гиликлардан қандай хабардор бўлаяп-сизлар десам “телефон бор-ку”, дейи-шади. Тўғри, телефондаги хабарларни тезкор ўқиймиз, лекин у бугун бор, эр-тага эса ўчиб кетади.

Яна ўша қучоқ-қучоқ газета ва жур-нал кўтариб келаётган Қулмат почта-чи ёдимга тушаверади. Янги газета ва журналларни варақлаш барибир бошқача-да.

Хўш, бугунги кунда газета ва жур-наллар адади ва обуначилар сони нега

ҚУЛМАТ ПОЧТАЧИ



камайиб кетди? Бу кетишда яқин йил-ларда кўпгина газета ва журналлар йўқолиб кетмайдими? Бизнинг маъна-виятимиз таназзулга учрамайдими? Бунга сабаб нимада деган ўйга тола-сан, киши. Газета ва журналларнинг си-фати ва ўқимчилиги яхши эмас де-сам, 70-80 йиллардагидан анча сифат-ли ва ўқимлиши. Менимча, бунга са-баб матбуот нашрларининг адади ка-майиб, нархи ошиб кетганлигида бўлса керак деб ўйлайман. Ҳозирги кунда туман ва вилоят нашрларининг бир йил-лик обунаси 50-80 минг сўм, респуб-лика нашрларининг бир йиллик обунаси 80-100 минг сўм атрофида бўлса, обуначилар сони бугунги кунга нисба-тан икки-уч баробар ошиб кетишига ҳеч шубҳа қилмайман. Бунинг учун газета ва журнал муассислари босмахона хара-жатларини қоплаб бериш йўллари топишлари керак. Шундагина газета ва журналлар адади ва обуначилар сони қўпайиб, ҳар бир маҳаллада Қулмат поч-тачига ўхшаган почтаъонларимизга ҳам иш топилган бўлар эди.

Нима бўлганда ҳам маънавий бой-лигимиз бўлган газета ва журналлар-дан узоқлашмаганимиз яхши-да.

Ёкуб КАНОАТ.

Имрўзхо сокинон аз гармои та-музи тобистон гурехта, чони худ-ро ба ҳар кўву дарзада, чоеро ин-тиҳоб мекунанд, ки тану чонашон аз боди фараҳангез ва оби равон даме осоиш ёбад. Имрўзхо акса-рияти сокинони ноҳия ва берун аз он зиёратгоҳи Хўчамайхонаро ин-тиҳоб кардаанд.

Бале, зиёратгоҳи Хўчамайхона баъд аз эълоншудани маскани саёҳат фаро-ғаткунандагон хеле зиёд гашт. Шабу рўз аз манзилҳои дурдасти кишварамон ба ин диёри зебоманзар ташриф овар-да, аз оби чонбахши ин чаш-маи овозадор нўши чон карда, рўзҳои дароз аз сояи салқини он фароғат меку-нанд. Баҳри зиёрат, баҳри тамошои ин манзили афсо-навий мо сўи ин манзил роҳ гирифтем. Сараввал ба Са-рибозор омадем. Аз ин чо роҳи морпеч одамонро ба ин манзил ва то деҳаи зе-боманзараи Қизилнавр ме-барад. Ба умеде кирокаш-ро интизор шудан ба сари кўпурики Сарсон омадем. Ин кўпурук таърихи дуруда-роз дорад. Афсўс, ки ак-сарият номи қадими ин кўпрукро ёд надоранд. Ин кўпрукро кўпуруки “Сарибозор” ном мебаранд, вале номи аслии он кўпу-рук “Сарсон” аст. Чаро онро кўпуруки “Сарсон” ном мебаранд. Мо қабл аз ин таърихи сохташудани онро аз мўйса-федон пурсон шудем.

Ноқилони ахбори гузашта, нақл ме-кунанд, ки оби дарёи Тургон (номи қад-ими дарёи Дарбанд бо ин ном ёд ме-шуд) хеле сероб будааст. Дар бағали кўҳи Чўлбаир ва Маск чашмаҳои зиёд будааст. Гирду атроф ҳама арчаҳои сар-сабз қад рост карда, дар дохили он ди-гар дарахтони ёбӣ ба монанди сиххор, муша, бодом, заранг ва дигар дарахтон зич месабзиданд. Мегўянд, ки роҳе ки дар байни дара воқеъ аст, як маркаби савора базўр роҳ мегаштааст. Гоҳҳо маркабҳои бордор аз шоху шаппаи ду чониб қаспида як қадам имкони пеш-рафтан нашоштааст. Аз ин хотир, соҳиби маркаб аз қафо ба борбардори хеш кўмак нарасонад, маркаб ҳаргиз ба пеш хара-кат карда наметавонистааст. Холо дар байни дара роҳи мошингард бемалол то деҳаи Қизилнавр рафтох мекунад.

Зиёда аз 250-300 сол қабл аз ин кўпурук дар хизмати мардум будааст. Ҳар сол айёми обхезӣ ин кўпурукро сел

рўфта мебурдааст. Убури сокинон аз ду чониб қатъ мегардидааст. Чун об-хезӣ қатъ мешавад, сокинон бо сарва-рии қоровулбегӣ ин пулро бо амале бунёд мекардаанд. Чун соли дигар об-хезӣ рух медодааст, кўпурукро аз беҳ-ху бунёдаш шушта мебурдааст. Қоби-ли қайд аст, ки бо воситаи ин кўпурук чорвадорони деҳаҳои Деҳқонобод, Бе-либойли, Чакчак, Авчин, Шўрӯб, Бог-чорбоғ, Ғузор чорвои хешро аз ин ман-зил гузаронида ба сўи кўҳи Боботоғ

чунин кўпурук сохтан имкон дорад. Му-софирон аз ин чо бо заҳматҳои зиёд мегузаранд. Оё аз навсохтани ин кўпу-рукро сокинони деҳа иҷозат медода бо-шанд? Модар мегўяд, ки бо оқсоқоло-ни деҳа ва амлоқдори он бояд гуфтугў кунанд, агар онон барои сохтани он иҷоза диҳанд, об ба лаби кўза намерасад. Он бойи Авчини рўзи дигар бо чанд нафар ба деҳаи Дарбанд омада, бо қоровул-бегӣ ва мўйсафедони ҳамадон дар ин бора гуфтугў мекунанд. Ҳама ин фикри бойи Авчиноро қонибдорӣ ме-кунанд ва ў ти-бқӣ нишондоди устоён ин ман-зил ба кор шуруъ мекунад. Дар муддати ду моҳ кўпурукро созонида, ба мардум ош дода, фотеҳа ги-рифта, соли ди-гар ба сафари хонаи Худо ме-равад. То кунун сокинони боо-қибат ин хизма-ти беминнати ин бойи Авчино ба неки ёд меку-

ҚАЙДҲОИ ПУБАЛИСИСТ

қониби дарё назар меафканем. Он ба қўйборе шабоҳат дошт, оби он оҳиста пеш мерафт. Санғҳои хурду бузурги аз об боло шуда, як манзараи хираи дил-гиркунандаро ба ёди кас зухур мекард. Ин манзараи дилгиркунандаро дида, нақлҳои мўсафедони ҳамадони деҳа ба ёд меояд, моро.

Айёми бебозгашти бачагӣ махсусан, мўйсафедон дар айни зимистон ба умеди занги дил шустан, бо навбат ба хонаҳо яқдигар гирдомода, то як поси шаб аз рўзгори гузаштаи хеш қиссаҳои дилангез мекарданд ва мани фақир ва-зифаи қойкашониро дар ўҳда доштам, дар ин сўҳбат.

Боре бобои Холтўра нақл карданд, ки аз гузари боло Маҳамадрасул ном хешамон барои бинои қардани се дар хона ва бо пешайвонаш кор саркарда будааст, маро ба хонааш даъват кард. Пас хўрдани хўрок усто гуфт, ки барои се дар хона ва пешайвон зиёда 60 бо-лор зарур аст. Рўзи дигар мо шаш на-фар савори маркаб рў ба қониби Ўру-ли роҳ гирифтем. Аз дара гузашта рў ба қониби кўтали Шохтўт ҳаракат кар-дем. Баъд аз зухр ба Уругли расидем. Субҳи дигар аз хоб бархоста ба кор саркардем. Як худӣ ман 22 арчаро бу-рида сарчин кардам. Ҳамин тариқ, зиё-да аз 62-дона болорро бурида дар як чо ғун кардем, болаяшро бо шоху шаппа ва хок пўшонида ба деҳаи Қизилнавр омада, як марди Худоро пайдо карда, қойи болорҳои пинҳонқардаро ба вай нишон дода гуфтем, то омадани мо поснони онро бар дўш гирад. Ў розӣ шуд. Баъди ду ҳафта ба ин чо омадем.

Болорҳоро ба лаби дарё ғун карда, пасон онро ба як борагӣ ба дарё андохтем. Ҳамин тариқ, дар муддати ду рўзу ду шаб он болорҳоро ба хонаи хеш-шамон Муҳаммадрасул овардем. Як нафар шерикамон пояш дар байни харсангу болор дакка хўрда, шикаст. Бобои Холтўра нақл кард, оби дарё ончунон зиёд буд, ки кас аз ҳайбату ҳашомати он меҳаросид. Агар шахс оббоз набошад, беғуфтугў ўро дарё ғарқ мекард.

Нуралӣ РАҶАБ.

Давом дорад



нанд ва ба ҳақаш дуоҳои хайр мекунанд. Солҳои 70-уми асри гузашта роҳсо-зони идораи Бойсун ин кўпурукро аз нав месозанд. Холо дар ду қониб мошинҳои сабуқрав ва боркаш бемалол гузар ме-кунанд.

Чун ба сари кўпурук расидед, роҳи қачу қилебе шуморо ба сўи ин дараи зебоманзар мебарад. Аз қониби дара шамоли серуни босафое вазиди ба ди-лҳо суруру фараҳ бармеангезад. Ба

АЗ ГАНҶИ РОЙҶОН

Ҳикоятҳои пандомез аз “Гулистон”и - Саъдии Шерозӣ

Ҳикоят

Вақте ба чаҳли қавонӣ бонг бар модар за-дам. Дилозурда ба кўнче нишаст ва гирён-гирён меғуфт, ки: -Магар хурди ро фаромўш кардӣ, ки дурушті мекуни?

Қитъа:

**Чӣ хуш гуфт золе ба фарзанди хеш,
Чу дилаш палангафкану пилтан:
Гар аз аҳди хурдит ёд омадӣ,
Ки бечора будӣ дар оғуши ман?
Нақардӣ дар ин рӯз бар ман чафо,
Ки ту шермардиву ман пирзан!**

Ҳикоят

Яке аз вузароро писаре буд қавдан. Пеши яке аз донишмандон фиристод, ки мар инро тарбияте кун, магар оқил гардад ва муддате таълим қардаш, муассир наёфтад. Пеши пада-раш кас фиристод, ки ин писар оқил намеша-вад ва ман девона шудам.

Қитъа:

**Чун бувад асли ғавҳаре қобил,
Тарбиятро дар ў асар бошад.
Ҳеҷ сайқал нақў надонад қард,
Оханеро, ки барғуҳар бошад.
Саг ба дарёи ҳафтгона машўй,
Ки чу тар шуд, палидтар бошад.
Хари Исо гараш ба Макка баранд,
Чун биёяд, ҳанўз хар бошад.**

Ҳикоят

Ҳакиме писаронро панд ҳамаедод, ки қонони падар, ҳунар омўзад, ки мулку давлати дунё эътиמודро нашоёд ва симу зар дар маҳалли хатар аст, ё дузд ба якбор бибарад, ё хоча ба тафориқ бихўрад.

Аммо ҳунар чашмаи зояндааст ва давлати поянда. Агар ҳунарманд аз давлат бияфтад, ғам набошад, ки ҳунар дар нафси худ давлат аст. Ҳунарманд ҳар чо, ки равад, қадр бинад ва садр нишинад ва беҳунар луқма чинаду сахтӣ би-над.

Назм:

**Сахт аст, пас аз ҳоҳ таҳаккум бурдан,
Хў карда ба нозу қаври мардум бурдан.**

Ҳикоят

Аърибиеро дидам, ки писарро ҳамегуфт: -Туро хоҳанд пурсид, ки амалат чист, нагўя-янд падарат кист?

Ҳикоят

Мардакери дарди чашм хост, пеши байтор рафт, то даво кунад. Байтор он ҷи дар чашми чаҳорпоён кашиди, дар чашми ў кашид, кўр шуд. Ҳукумат ба довар бурданд.

Гуфт: -Ўро тавоне нест. Агар ин хар набудӣ, пеши байтор нарафти.

Мақсуд аз ин суҳан он аст, то бидонӣ, ки ҳар кӣ ноозмударо кори бузург фармояд, на-здики бузургон ба хиффати раъӣ мансуб гар-дад.

Байт:

**Надиҳад хушманди равшанроӣ
Ба фурумои қорҳои хатир,
Бурёбоф агарчи бофандаст,
Набарандаш ба қорҳои харир.**

Парвиз дунёга келганда ота-онасининг орзу-умидлари катта эди. Бутун меҳнат фаолияти ёш авлод таълим-тарбияси йўлида ўтган Камол ака Шайманов фарзандлари келажақда нуфузли олийгоҳларда ўқиб, етук комил инсонлар бўлишини ният қиларди. Тақдирнинг зарбасини қарангки, бирин-кетин уч нафар ўғил фарзанд кўриш қобилиятида туғма нуқсон билан дунёга келишади.

Бироқ Камол ака ва умр йўлдоши тушкунликка тушишмади, Яратганнинг синови шу экан-да, дея фарзандлар тарбиясига чуқур эътибор бера бошладилар. Айниқса, Камол домла педагог сифатида ўғиллари тенгдошларидан кам бўлмай, ўқиб илм олишлари учун ҳамма нарсага тайёр турди. Уларнинг ҳар бири мактаб ёшига етган, Самарқанд шаҳридаги “Нурли маскан” кўзи ожизлар махсус мактаб-интернатига жойлаштирди. Ота сифатида барча масъулиятни зиммасига олиб, фарзандлари ҳар қандай вазиятда ҳам аъло баҳоларда битириб олгунларича бир оёғи Дарбандда бўлса, бириси Самарқандга олиб-югуришдан чарчамади.

Мактаб-интернат талабалари орасида Парвизнинг билим олишга, ўқишга бўлган иштиёқи, интилишлари бошқалардан алоҳида ажралиб турарди. Бошланғич синф талабалиги давридаёқ унинг ўз олдида кўйган аниқ мақсадлари бор эди. У шунчаки ўрта таълим билими даражасида қолишни истамасди, олий маълумот олиш, келажақда ота-онасининг, Ватанининг қорига ярагувчи инсон бўлиши керак эди. Бундай улғу мақсадлар, орзуларга етиши унинг имкониятлари олдида бовар қилмас иш эканлигини англаб турсада, ҳаётга бўлган иштиёқ туфайли ҳар қандай имкониятсизлик, ҳар қандай қийинчилигу чекловларни енгиб ўтишга ўзига ишонч, қалбини тур-тубида сабот, матонат каби хислатлар ҳам етарли эканига имони комил эди.

Энг аввало, у ўзига бўлган ишонч туфайли “мен имконияти чекланган инсонман” деган тушунчани тамоман унуттишга ҳаракат қилди. Бу рўйи заминда ўзиданда ўн чандон, юз чандон имкониятсиз тенгдошлари ҳам борлиги, улар ҳам у ёки бу даражада тақдир зарбаларига қарши курашиб, тўрт мучаси соғ инсонлар каби ҳаётда ўз ўринларини топишга интилаётганларини кўз олдида келтириб,

Яратган унга раво кўрган тақдирига шукроналик қиларди.

Бу каби хислатлар туфайли тез орада у дўстлари, устозлари назарига, эътиборига туша бошлади. Очиги, кўзи ожизлар учун махсус қабул қилинган “брайл” алифбосида ўқиш, савод чиқариш қийинчиликлари, ўзига хос мушулликларини Парвезга ўхшаш бошидан кечирганларгина ҳис қилишади. Аммо Парвез учун бу қийинчиликлар ўз олдида қўйилган улғу мақсадлар йўлида енгиб ўтиши лозим бўлган мушулликларининг бор-йўғи бошланиши эди, холос. У ҳар жиҳатдан имконияти бутун тенгдошларидан фарқли ўлароқ ўз мақсадлари йўлидаги довларнинг ҳар биридан ўтиши учун улардан уч-тўрт баробар кўпроқ меҳнат қилиши лозимлигини жуда яхши биларди, шунинг учун ҳам баъзи бир соғлом тенгдошлари телевидор қаршисида ўтказган қимматли дамларни у китоб муталаасига бағишлади. Бошқалар ижтимоий тармоқларда ўтириб йўқотган ёш умрининг ҳар бир дақиқаси, ҳар бир сонинини у илмга сарфлади...

Тажрибали педагог Камол Шайманов илк марта ўғли Парвиздан: “Дада, мактабни ҳам тутатиш арафасидаман, ўқишни олийгоҳда давом эттирмаман”, деган фикрни эшитганида, очиги дилбандига дабдуруст бир нима дейишга иккиланди. Тўғри, аввал ҳам ўғлидан бу гапларни эшитган, бироқ, ҳали мактаб ёшида эканлиги боисми, ўғлининг фикрлари, интилишларини жиддий деб ўйлаб кўрмаган ҳам экан.

—Ўғлим, — дея гапни узокдан бошлайди ота, гаплари фарзанднинг кўнглига қаттиқ тегмаслигини ўйлаб авайлаганча,

— мен сенинг интилишларингни ҳамиша қўллаб келганман, бундан кейин ҳам шундай бўлади, иншааллоҳ. Сен ва ака-укаларинг ўқиб, комил инсон бўлишларинг учун онанг иккимиз қўлимиздан келган ҳамма ишни қилишга тайёرمىз. Фақат... олийгоҳ — бу мактаб эмас, унинг ўзига хос талаблари, шарт-шароитлари бордош қила оласанми, деб ўйлаялман-да. Фикринг қатъийми, қийинчиликларга бардош қилишга тайёرمىсан?..

—Мен аллақачон асосий қийинчиликлардан ўтиб бўлганман, дада. Сизларни

суҳбат, яна ўғлининг вужудидаги ўша шашт, ишонч кўз олдида келиб, беихтиёр лаблари пичирлаганини ўзи ҳам сезмай қолди: “Раҳмат, ўғлим! Биз сенга ишонардик, юзимизни ёруғ қилдинг. Бундан ҳам юксак, баландроқ натижаларга эришиш учун сенда сабр-бардош, матонат борлигига ишончим комил!..”

Матонат, сабр-бардош... Ҳаётда қийинчиликларни писанд қилмовчи, ҳаётнинг ҳар қандай зарбаларига кўксини қалқон қилиб, ўз олдида қўйилган мақсадлар сари интилувчи, халқи, Ватани ҳимояси, фаровонлиги учун доимо тайёр турувчи инсонларга бериладиган хислат бу. Қаҳрамонимиз — олим фузалолар, фан арбоблари, таникли адиб ва шоирлар юрти бўлмиш сўлим Дарбанд қишлоғида туғилиб, етти ёшиданоқ тақдир эзмизга кўнмай комил инсон бўлиш мақсадида Самарқанд шаҳрида ўн йиллик махсус таълимни олган, бугун республикамиздаги энг нуфузи олийгоҳлардан бирининг 3-босқич талабаси бўлган Парвиз Қудратуллаев ҳам мана шу хислатлар эгаси, дейишга ҳақлимиз. Негаки, бугунгача ҳаётда нимагаки эришган бўлса, матонат, сабр-бардош, ўз устида қаттиқ ишлаш натижасида кўлга киритди. Қийинчиликлардан кўрқмади, имконияти чекланганлигидан тушкунликка тушмади. Тўрт мучаси соғ инсонлар қила олмаслиги мумкин бўлган ишни қила олишида ўзида куч, сабр ва тоғдек ишонч топа билди. Ҳали ёш бўлишига қарамай, ҳозирданоқ олийгоҳ сарҳадидан чиқиб, ўзининг илмий мақолалари, илмий қарашлари билан хорижликларни ҳам ҳайратга сола бошлади. Бугунги кунгача унинг ўнлаб илмий мақолалари дунёнинг кўплаб нуфуз-

ли нашрларида эълон қилингани фикримиз тасдиғидир.

Камол Шаймановлар хонадониди фарзандларининг илм-фан соҳасида кўлга киритаётган ютуқлари ҳақида Самарқанд ва мамлакат пойтахтидан тез-тез келувчи қувончли хабарларга анчайин кўникиб қолишган. Аммо жорий йилнинг 30 июни — Ўзбекистон ёшлари куни муносабати билан Давлатимиз раҳбарининг ёшлар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувлари чоғида эълон қилинган бу оилага тааллуқли хабар нафақат Шаймановлар хонадони, балки бутун бойсунликлар учун қутилмаган янглик бўлди. Мазкур тарихий учрашув чоғида Президентимизнинг қарори билан фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда эришган алоҳида ютуқлари учун бир гуруҳ ёшлар қатори Парвиз Қудратуллаев ҳам “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланди. Ушбу мукофот учун бериладиган совриндорлик дипломи ва кўкрак нишони шахсан Президентимиз томонидан тақдим қилинган эса, энг аввало, Парвиз Қудратуллаевнинг илм-фан йўлида бугунгача эришган ютуқларининг давлат даражасида эътироф намунасирид.

Муҳтарам Президентимиз томонидан ёшлар сиёсатида доир олиб борилаётган ислохотлар барча ёшлар қаторида Парвиз Қудратуллаевга ўхшаган имконияти чекланган ёшлар учун ҳам ўз иқтидорларини намойиш этиш, мамлакатнинг тўлақонли фуқароси сифатида Ўзбекистон тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида теппа-тенг яратувчанлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятини беради. Фақат ўзига ишонган, ҳатто тақдир қисмат қилиб берган чекланган имкониятни ҳам назар-писанд қилмаган, илм олишдан, ўқишдан, яратиш завқидан чарчамаган, ҳаётда аниқ мақсад сари интилган ёшларгина бу каби улғу эътирофларга муяссар бўлишлари шубҳасиз. Зотан, бугунгача ҳаётдан завқ олиб яшаб, ҳар қандай қийинчиликларга қарамай қимматли сари интилаётган Парвиз Қудратуллаев ҳаёти бунга ёрқин мисолдир.

Даврон ОРИФ.
Нурали РАЖАБ.

“Мустақиллик” маҳалласи ҳудудида барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” мас-сивидаги бир-биридан салобатли ва кўкрак кўп қаватли уйлар, бу ерда ярати-лаётган қулай замонавий инфратузилма, кенг ва раво кўчалар, ҳақиқатан ҳам бу томонларга йўли тушган киши борки қуффи-дилини очши аниқ.

Бир томонда салобат тўкиб турган мушта-шам жомеъ масжиди, янгидан барпо этилаётган гастрономик кўчалар қад ростлаётган шаҳарча кўркига янада кўрк бериб, бу ерлар-

ЯНГИ ШАҲАРЧАГА ЯРАШМАГАН ДОҒ ЁХУД ИККИ МАҲАЛЛА АҲОЛИСИНИ БЕЗОВТА ҚИЛАЁТГАН ЭЪТИБОРСИЗЛИК

га росмана замонавий шаҳар тусини бермоқ-да. Яқин ойлар ичида ҳашар йўли билан куриб фойдаланишга топширилган кўприк эса ушбу массивни Шўрсой маҳалласи ҳамда “Муста-қиллик” маҳалласининг Наврўз ҳудуди билан боғлагач, бу ерлар янада гавжумлашди, ша-ҳар марказига ўтиб-қайтувчилар сони карра-сига кўпайди.

Очиги, яқин-яқингача бу ерлардан ўтиб-қай-тувчи фуқаролар янги шаҳарчада амалга оши-рилаётган бунёдкорлик, ободончилик ишлари-дан завқланиб, туманимиз маркази йилдан-йил кўркамлашаётганидан ўзгача бир таассурот-лар олишарди. Бироқ кейинги икки-уч ойдан буён шаҳардан қайтаётган пиёдами, уловли-ми борки, Бойсун жомеъ масжиди ёнидан ўтиб, Шўрсой кўпригига яқинлашгани ҳамоно оғиз-бурунларини ёпиб, норози кайфиятда ўқчиб-ўқчиб ўтаётганига кўзингиз тушади. Ахвол шу даражадаки, ҳатто барча ойналари ёпиқ ма-шинада ўтсангиз ҳам сой яқинидан чиқаётган бадбўй ҳид сизни лоҳас қилади.

Мен бу ҳақда тахририятимизга мурожаат

қилган фуқаролар илтимосларига биноан вазият-дан хабардор бўлиш ниятида ўша ҳудудда бўлган заҳотимок бу ердан қурилиш ўтиб-қайтувчи фуқаро-ларнинг ҳақиқий аҳолини тасаввур қилдим. Чин-дан ҳам шу атрофдан ўтувчи Шўрсой яқинига йўла-ганингиз заҳоти анқиб турган балбўйликдан кўнглингиз озади.

Йўқ, ҳолат Шўрсойнинг ўзи билан боғлиқ эмас, чунки одатда ёз ойларида бу сойда сув бўлмайдиган, аҳоли томонидан сойга ташланган ахлат ҳам бу қадар кўнглини айнитадиган ҳид чиқармаслиги аён. Янги шаҳарчанинг бутун кўрки, салобатига соя таш-лаб, икки маҳалла аҳолиси, қолаверса, шаҳарчага кўчиб келган оилалар эътирозига сабаб бўлаёт-ган, атроф-муҳит ҳавосини бузаётган бадбўйлик-нинг сабаби кўп қаватли уйлар учун ўтказилган канализация ёриқларидан сизиб чиқаётган оқова сув экан. Эшитганимга кўра бу трассада аввал ҳам шу каби носозлик бўлиб, бир мuddат аҳолини бе-зовта қилганди. Бироқ бу галги носозлик, мана неча ойдири, бартараф этилмай, оқова сувлар қувурлардан сизиб, аввал шу атрофдаги ариқ-ло-тоқларга ўтиб, ундан тўғридан-тўғри Шўрсой ўзани ва очик майдонларни, нафас олаётган ҳавомизни булгапти.

Аҳолининг ҳолатдан норози бўлиб қилган му-рожаатини қўйиб туриш, ҳар қандай ўтқинчи ҳам очик ариқлардан оқиб келаётган хожатхона чиқинди сувлари бугун-кеча эмас, бир неча ойдан буён шу аллоҳда атроф-муҳитни булгаётганини бир қараш-даёқ англайди. Лотокларнинг аллақачон қорайиб қолгани ва бадбўй ҳид бутун атрофга сингиб кет-ганлигини кўрибқ сиз бунга амин бўласиз.

Шу атрофдан қийналиб ўтувчи ҳар бир инсон борки, ўзига бир саволни таъкидлаб ўтиши тайин (мен ҳам ўзимга шу саволни бердим: -Б.С): Ҳамонки

бир неча ойдан буён ахвол шу аллоҳда экан, тегишли мутасаддилар қаёққа қараяпти? Атроф-муҳит, экология ҳимояси учун масъул ака-хонлар-чи? Нахотки, шунча вақт оралиғида улар бу ахволдан хабардор бўлишмади? Яна, мазкур канализация қурилишини амалга ошир-ган қурувчи оғаларимиз нега жим? Нега улар ўз қилишларининг, яъни сифатсиз бажарган ишларининг оқибати учун жавобгарлик ҳис-сини сезмаяптилар?

Сезишимча, бу каби саволларга жўяли жа-воб ҳаммадан ҳам ушбу массивдаги уйларда яшаётган фуқаролар учун сув билан ҳаводек керак бўлган, шекилли. Бир неча ойдан буён улар бу бадбўйликка қандай тоқат қияпти-лар экан?

Ҳа, саволлар кўп, бироқ савол ҳар қанча кўп бўлмасин, уларга жўяли жавоб бўлмаса, барчаси бефойда. Эшитишимизга кўра ушбу канализация барпо этилганига кўп вақт бўлган эмас. Шундай экан амалдаги тартибларга кўра қурувчи ҳар қандай объектнинг сифати, узоқ хизмат қилиши учун кафолатдор ҳисоб-ланади. Демак, ушбу носозликни бартараф этиш ҳам унинг зиммасида бўлиши керак. Туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими мутасаддилари эса носозлик-ни бартараф этиш ва унинг оқибатида атроф-муҳит ҳамда атмосферага етказилаётган за-рарни ҳисоблаб, айбдорларга нисбатан те-гишли равишда қонунларда белгиланган таъ-сир чораларини амалга оширишни таъмин-лашлари керак бўлади. Чунки, биз ҳам белгиланган тартиблар доирасида газетамиз-нинг кейинги сонларида ушбу носозликка те-гишли мутасаддилар томонидан қаратилган эътибор ва унинг натижалари қай ахволда яқунлангани масаласига яна қайтамиз.

Бобур СОБИРОВ, жамоатчи муҳбир.

ИСМАТ ЁКУБОВ

Ўзининг бутун меҳнат фаолиятини ёшлар таълим-тарбиясига бахшида қилган моҳир педагог, ижодкор ўқитувчи Исмат Ёкубов - 65 ёшида орамиздан кетди.

Исмат Ёкубов хорижий тиллар бўйича педагогик фаолияти юритган бўлса-да, ижодкор-ўқитувчи сифатида газетамиз ижодий жамоаси билан ҳамкорлик қилиб келган кўнглимизга яқин инсонлардан бири эди. Газетамиз саҳифаларида мунтазам бериб борилган унинг қаламига мансуб адабиёт, санъат, маданият, таълим мавзuida-ги ранг-баранг публицистик мақолалар, бадий ижод намуна-лари ҳамиша ўз ўқувчисини топар, кенг жамоатчилик назари-га тушиб келарди. Материаллар орасида айниқса, атрофи-мизда учраб турган ижтимоий муаммолар таҳлил қилинган танқидий мақолалар борлиги эса Исмат аканинг журналис-тика соҳасида ҳам ўзига хос тажриба ва қўникмаларга эга ҳаваскор ижодкор эканлигидан дарак берарди.

Исмат Ёкубов адабиёт, шеърят ва бадий таржима ижодкорлардан бири эди. Ўзи шеърлар ёзиш би-лан бир қаторда форс-тожик адабиёти намояндалари-нинг ғазалларидан қилган таржималарини матбуот ор-қали муҳлисларига тақдим этиб келаётганди.

Исмат Ёкубов чин дўст, меҳрибон устоз, самимий ижодкор сифатида ўз ҳамкасблари, яқин биродал-лари, шоғирдлари ва ижодкор ҳамкорлари қалбида ва хотирасида узоқ йиллар сақланиб қолади.

Охиратлари обод бўлсин!

“БОЙСУН” ГАЗЕТАСИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ.



O'QISHGA MARHAMAT!

Boysun tuman 6-son bolalar vusiq va san`at maktabi 2025-2026 o`quv yili uchun quyidagi yo`nalishlar bo'yicha o`quvchilar qabul qiladi

I.O'zbek xalq cholg'ulari: qashqar rubobi, avg'on rubobi, chang, doira, dutor, g'ijjak, prima rubobi

II.An'anaviy xonandalik

III.An'anaviy cholg'ular (qashqar rubobi, doira, chang)

IV.Akademik xonandalik (vokal)

V.Fortepiano

VI.Baxshichilik

BOSH MUHARRIR
Davron OROPOV

NAVATCHI:
Nodira JO'RAQULOVA.

Internet materiallaridan foydalaniladi.

Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 64622
Bahosi kelishilgan narxda.

Hajmi - 2 bosma taboq.
Bichimi A-2
Chop etishga topshirish vaqti - 17⁰⁰
Topshirildi - 16⁰⁰
Adadi : 1400
Buyurtma Ne

Gazeta sifatiga bosmaxona mas'ul

Gazeta oyiga ikki marta o'zbek va tojik tillarida chop etiladi.

TAHRIRIYAT MANZILI:

190401, Boysun, Zartepa ko'chasi, 37-uy.
Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59
e-mail: boysun@umail.uz

Gazeta «Boysun» tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta "Surxon tongi" va "Zarya Surxana" gazetalari bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Termiz shahri Shukrona ko'chasi 19-A uy.



MUASSISLAR:

Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligi

